

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 218 (1279), 2024 йил 28 октябрь, душанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
САЙЛОВДА ОВОЗ БЕРДИ

27 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев оила аъзолари билан биргаликда пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманидаги 59-сайлов участкаси-га ташир буюриб, овоз беришда иштирок этди.

Мамлакатимиз Конституциясининг 128-моддасида фуқаролар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва

сайлашни ҳуқуқига эга экани белгиланган. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланган.

Сайловда бешта — Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, “Миллий тикланиш” демократик партияси, Экологик партия, Халқ демократик

партияси ҳамда “Адолат” социал-демократик партияси иштирок этди.

Бу муҳим воқеа “Менинг танловим — обод Ватаним” шиори остида, ривожланган ижтимоий-сиёсий муҳитда ўтди.

Ўзбекистон тарихида илк бор Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайловлари аралаш сайлов тизими, яъни мажоритар-пропорционал тизим асосида

ўтказилди. Депутатларнинг 75 нафари бевоcита мажоритар тизим асосида, яъни сайловчилар ўзларига мақбул номзодларга овоз бериши йўли билан, қолган 75 нафари эса пропорционал тизим бўйича сиёсий партияларга берилган овозлар асосида сайланади.

Сайлов қонунчилиги илгор демократик стандартларга мос равишда тубдан такомиллаштирилди. Жумладан, сайлов органларининг Марказий сайлов комиссияси бошчилигидаги янги тизими жорий этилди, жамият ҳаётида хотин-қизларнинг ролини ошириш мақсадида сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзодлар кўрсатишда аёлларнинг улуши камида 40 фоиз бўлиши белгиланди.

Бу йилги сайловларнинг яна бир эътиборли жиҳати — жараён иштирокчиларининг ўзаро муносабатлари тўлиқ рақамлаштирилган ҳолда “Е-saylov” ахборот тизими орқали амалга оширилганида намоён бўлди. Мазкур тизим сайловларнинг очикилигини юқори босқичга олиб чиқди.

Барча сайлов участкаларида қонунчиликда белгиланган шароитлар яратилди. Жойларда 5 минг 770 та округ ва 11 минг 28 та, жумладан, 40 та хорижий мамлакатда 57 та сайлов участкаси ташкил этилди.

Уни кузатишда МДХ, ШХТ, Туркий давлатлар ташкилоти, шунингдек, ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг тўлақонли миссиеси таркибиде 850 нафардан зиёд хорижий ва халқаро кузатувчилар иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари сайлов участкасига келган одамлар билан суҳбатлашди. Ўз юрти ва яшаётган ҳудуди тақдирига дахлдорлигини ҳис қилиб, сайловларда фаол қатнашаётган фуқароларга миннатдорлик билдирди.

ЎЗА



Менинг танловим — обод Ватаним!

САЙЛОВДА ХАЛҚИМИЗНИНГ
ЖИПСЛИГИ, ЮРТ ТАҚДИРИ ВА
КЕЛАЖАГИГА ДАХЛДОРЛИГИ
ЯҚҚОЛ НАМОЁН БЎЛДИ

Инсон қадри улуғланган, ҳар томонлама тараққий этган кучли давлат, очик ва фаровон жамият барпо этиш миллий ривожланиш йўлидаги бош ғоямиз ва эзгу ниятимиздир. Юртимизда 27 октябрь куни “Менинг танловим — обод Ватаним” шиори остида бўлиб ўтган парламент ва маҳаллий кенгашларга сайловлар жараёнида халқимиз ана шундай улуг мақсад йўлида яқдил ва ҳамнафас эканини яна бир қарра исботлади.

Сайловда юқори фаоллик кўрсатилгани, ҳар бир сайловчи тегишли қонунчиликка амал қилиб, ўз фуқаролик бурчини эмин-эркин адо этгани бунинг яққол тасдиғи бўлди. Хусусан, соат 17:00 га қадар сайловчиларнинг 71,52 фоизи овоз беришда иштирок этди. Қонунчиликка кўра, жами сайловчиларнинг 33 фоизи овоз беришда иштирок этса, сайлов ўтган деб ҳисобланади. Айни рақамлардан келиб чиқилса, ушбу сайловни ўтган деб ҳисоблаш асослидир.

Сайлов — демократия кўзгуси. Бу жараён орқали ҳар бир фуқаро жамият ва давлат бошқарувида қатнашади. Сайловлар халқнинг давлат ҳокимияти билан боғлиқлигини кўрсатиб туради. Шу боис, ушбу сиёсий жараёни демократия талаблари асосида ташкил этиш учун зарур шароит яратиш ҳар бир давлатнинг ривожланиш даражасини кўрсатади. Сўнгги йилларда мамлакатимизда бу йўналишдаги муҳим ислохотлар жамиятимизнинг турли соҳаларида эришилаётган ютуқларнинг муҳим омили бўлаётир.

Жумладан, сайлов янги тахрирдаги Конституциямизда белгилаб берилган мутлақо янги ижтимоий-сиёсий муҳитда, парламент ва маҳаллий кенгашларнинг давлат ҳокимияти тизимидаги ўрни ва



ваколатлари сезиларли даражада кучайтирилган шароитда ўтказилди. Шу билан бир қаторда, сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга биноан, бу галги сайловда юртимиз тарихида биринчи марта аралаш сайлов тизими синодан ўтказилди. Бу тизим асосида Қонунчилик палатаси депутатларининг 50 фоизи бир мандатли сайлов округларидан мажоритар тизим бўйича, қолган 50 фоизи эса партия рўйхати бўйича пропорционал тизим орқали сайланади. Экспертлар фикрича, ушбу ўзгариш индидуал вакиллик билан партия манфаатлари ўртасидаги мувозанатни уйғунлаштиришга хизмат қилади.

Давоми 2-бетда

ТАНЛОВЛАР ТУРФА, МАҚСАД ЯГОНА —
ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ,
АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ
Сайловчилар фикрининг умумий хулосаси шундай

Куни кеча, 27 октябрь куни мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига сайловлар бўлиб ўтди. Бу йилги сайловлар илк марта янги тахрирдаги Конституциямизда белгилаб берилган мутлақо янги ижтимоий-сиёсий муҳит — парламент ва маҳаллий кенгашларнинг давлат ҳокимияти тизимидаги ўрни ва ваколатлари сезиларли даражада кучайтирилган шароитда ўтказилди.

Асосийси, юртдошларимиз танлови — сайловда овоз бериш жараёни Сайлов кодекси ва халқаро талабларга мос равишда, очик, шаффоф ва демократик руҳда ўтди.

Илк бор аралаш — мажоритар ва пропорционал тизимда ўтказилган сайловда овоз бериш ҳуқуқига эга фуқаролар фаол иштирок этиб, ўзлари муносиб деб билган партия ва номзодларга овоз берди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига сайловда овоз бериш учун хорижий мамлакатларда ҳам сайлов участкалари ташкил этилиб, чет элда бўлиб турган юртдошларимизга зарур шароит яратилди.

Шу тариқа мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлидаги муҳим сиёсий жараён — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига сайловлар барча — 11 мингдан ортиқ сайлов участкасида қизгин кечди. Бу ҳолат ҳамюртларимизнинг янги Ўзбекистон келажагига дахлдорлиги ортиб бораётгани, жамиятимизда демократик қадриятлар тобора кенг оммалашаётгани,

аҳолининг ислохотларга ишончи янада мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради.

Қуйида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига сайловларда иштирок этиб, танловини эркин амалга оширган юртдошларимиз фикрлари билан танишасиз.

2-, 3-бетларга қаранг.

Ислохот одимлари

ЯНГИ ҚИЁФАДАГИ
ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИЮРТ ТИНЧИЛИГИГА ҲИССА ҚЎШИШ
ОРҚАЛИ ХАЛҚНИ РОЗИ ҚИЛМОҚДА

Янги Ўзбекистон ички ишлар органлари мамлакатимизда жамоат хавфсизлиги, халқ осойишталигини таъминлаш, тинчлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ватан олдидаги жонбозлиги ва фидойилиги учун Президентимиз фармонида кўра, Ички ишлар органлари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ ходимларимиз давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

Давлатимиз раҳбарининг “Фурсатдан фойдаланиб, сиз, азизларга ўз хизмат бурчиниз ва муқаддас қасамёдингизга доимо содиқ қолиб, Ватанимиз ва халқимизга фидокорона хизмат қилиб келаётганингиз учун чин дилдан ташаккур билдираман. Ҳеч шубҳасиз, сизларнинг машаққатли ва шарафли меҳнатингизни муносиб рағбатлантириш келгусида ҳам давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибори марказида бўлади”, деган сўзларидан вазирилик шахсий таркиби ниҳоятда руҳланди. Бундай

эътибор бизни янада фидойилик билан хизмат қилишга ундайди. Шу билан бирга, билдирилган юксак ишонч зиммамизга улкан масъулият юклаб, ҳар бир ходимнинг меҳнат фаолияти давлатимиз диққат-эътиборида эканидан далолат беради. Бу, ўз навбатида, шарафли ва масъулиятли хизмати давомида халқимиз, мамлакатимиз манфаатларига содиқ қолиб хизмат қилишида ички ишлар органлари ходимларига беқиёс рағбат ва куч беради.

Давоми 4-бетда



Бу йил 85 ёшга кирдим. Шу вақтгача кўплаб сайловларда иштирок этганман. Аммо кейинги сайловлар олдингиларига нисбатан бошқача ўтказилмоқда. Кечаги сайловдан қиёс: аралаш — пропорционал ва мажоритар сайлов тизими деган янги атамалар пайдо бўлди. Сайловдан олдин бу терминларнинг маъноси, тартиби билан танишиб чиқдим. Кўплаб ривожланган давлатларда сайловлар шу тартибда ўтказилар экан.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

ТАНЛОВЛАР ТУРФА, МАҚСАД ТАРАҚҚИЁТИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ,

Сайловчилар фикрининг

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БИЗДАН-ДА БАХТЛИ-САОДАТЛИ ЯШАШИГА ИШОНАМАН



Эсонбек ПОЛВОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
эшлар мураббийси

Хар бир фуқаро сайлаш ҳуқуқига эга. Мамлакат тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бири киши ушбу ҳуқуқидан фойдаланади. Ўзим ҳам ватан олдидаги фуқаролик бурчимни бажариб, муносиб деб билган номзодларга биринчилардан бўлиб овоз бердим.

Мен билан бирга фарзандларим, келину невараларим ҳам овоз беришга борди. Бетоблиги сабабли турмуш ўртоғим сайловга боролмади. Участка сайлов комиссияси раисига айтгандим, “Уйингизга участка сайлов комиссияси аъзоларини юбораман, янга уйингизда туриб овоз беради”, деди.

Шунчаки тўғри келган номзодга овоз бермадик. Сайловдан олдин сиёсий партиялар, депутатликка номзодларнинг Сайловолди дастури билан танишиб чиқдик. Қолаверса, депутатликка номзодлар кишлоғимизга келиб, аҳоли билан учрашувлар ўтказди. Улар билан савол-жавоблар қилдик. Шу тариқа уларнинг дастурларини муҳокама қилдик. ОАВда ҳам сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқотини доимий кузатиб бордик. Аниқ бир қарорга келганимиздан кейин барчамиз ўзимиз хоҳлаган, яъни келажагимизни ишонган номзодларга, сиёсий партияга овоз бердик.

Бу йил 85 ёшга кирдим. Шу вақтгача кўплаб сайловларда иштирок этганман. Аммо кейинги сайловлар олдингиларига нисбатан бошқача ўтказилмоқда. Кечаги сайловдан қиёс: аралаш — пропорционал ва мажоритар сайлов тизими деган янги атамалар пайдо бўлди. Сайловдан олдин бу терминларнинг маъноси, тартиби билан танишиб чиқдим. Кўплаб ривожланган

давлатларда сайловлар шу тартибда ўтказилар экан.

Янги сайлов тизимининг афзалликлари кўпчилиги билан айтгандим. Мисол учун, олдинги сайловларда номзод талаба қозониш учун сайловчиларнинг камида 50 фоиздан ортиқ овоз олиши керак бўларди. Кўп гувоҳ бўлганман, сайловчиларнинг шунча овозини тўплаш қийин ва натижада сайловдан кейин яна такрорий сайловлар ўтказиларди. Бу эса қўшимча иш, харажат дегани. Янги тизимда эса энг кўп овоз олган номзод сайланган ҳисобланаркан. Бошқача айтганда, энди такрорий сайловлар ўтказилмайди.

Зиёлиман, узоқ йиллар мактабда кимё биология фанларидан дарс берганман. Бир неча йил мактаб директори лавозимида ҳам ишладим. Ҳозир мактабимиздаги кўпчилик ўқитувчилар — шоғирдларим. Уларга ҳавасим келади. Олдинлари биз бу пайтда пахта далаларида бўлардик. Ҳаво совуқми, қорми, ёмғирми — фарқи йўқ, белгиланган режани бажариш талаб қиларди. Баъзи пайтлари декабрнинг охиригача пахта терганмиз. Қаҳратон совуқда ҳам дала уйларида яшаганмиз. Натижада кўплаб ўқувчилар, ўқитувчилар касал бўларди.

Давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси мажбурий меҳнатдан — пахта

теришдан озод этилганимиз аслида чинакам қаҳрамонлик, қатта воқеадир. Мазкур мисолнинг ўзиёқ мамлакатимизда инсон қадри улуғланаётганидан дарак.

Шу ўринда кишлоғимиздаги баъзи бунёдкорлик ишлари ҳақида гапирмоқчиман. Аввало, биз яшаётган Форш туманидаги Ўхум кишлоғига туризм кишлоғи мақоми берилди. Ҳар йили хорижлик юзлаб сайёҳ келади. Кўплаб одамлар бунинг орқасидан даромадли бўлди.

Ўхумнинг асфальтланганига қарийб қирқ йил бўлган йўлларига қайтадан асфальт ётқизилди. Яроқсиз симёғочлар ўрнига темир-бетон устунлар ўрнатилди. Уяли алоқа, интернет кириб келди.

Кишлоғимиз, асосан, пастки қисмидан то Айдарқўлгача бўлган кенгликлардан иборат. У ерларда тик қудуқ қазиб, деҳқончилик қилишга рухсат берилгач, кўплаб кишлоқдошларимиз даромад манбаига эга бўлди. Энди узоққа бориб ишлашга зарурат қолмади. Эрта баҳордан кеч зиматка кишлоқдошларимиз далаларда меҳнат қилиб, онласига қўшимча даромад олиб қияпти.

Шуларни кузата туриб, бир оқсоқол сифатида юртимиз келажаги буюклигини тасаввур қиламан. Фарзандларим, невараларим биздан-да бахтли-саодатли яшашига ишонаман.

Янги сайланадиган депутатларимизнинг дастурлари, режалари амалга ошса, ҳаётимиз янада фаровон бўлади.

Форш тумани

ЯНГИ АМАЛИЁТ: ШАФФОФЛИК ВА ТЕЖАМКОРЛИККА ҲИССА ҚЎШДИ



Дилдора ХЎЖАЕВА,
Мирзо Улугбек туманидаги
18-сайлов участкаси раиси

Хар бир жамият тараққиётидаги асосий мезонлардан бири ҳаётини қарорларни кўпчилик бўлиб қабул қилишдир. Қадимги юнон файласуфи Суқрот “Гапир — мен сени кўрайин!” деган эди. Одам савияси, дунёқарашини нечоғлиқ кенг эканини гапирган пайтда кўрсатади. Назаримда, сайлов ва унга тайёргарлик жараёни давлат ва фуқаро орасидаги ана шу нозик ҳолат қай даражада тараққий этганини афкор оммага бор бўй-басти билан кўрсатади. Бунда давлатнинг нақадар адолатли эканию фуқароларнинг бурчига масъулияти кўринади. Бу жараёнда юрт тақдири, фарзандлар келажагига бефарқ бўлмаган инсон жонбозлик кўрсатади.

Куни кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига сайловда юртдошларимиз фаол иштирок этганининг гувоҳи бўлдим.

Бу сайловда шаффоф муҳитни таъминлаш билан бирга аҳолига қулайлик яратиш ҳам устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди. Жумладан, Марказий сайлов комиссиясининг 2024 йил 12 октябрдаги тегишли қарорига мувофиқ, Тошкент шаҳридаги 10 та сайлов участкасида

электрон овоз бериш жараёни ташкил этилди.

Ушбу тизим кўплаб хорижий давлатлар, хусусан, АҚШ, Германия, Буюк Британия, Италия, Бразилия, Сингапур, Австралия ва бошқа ривожланган давлатларда ҳам кенг қўлланилмоқда.

Электрон овоз бериш онлайн овоз беришдан фарқ қилади.

Онлайн овоз беришда сайловчи шахсий компьютери орқали интернетдан овоз бериши мумкин бўлса, электрон овоз беришда сайловчи сайлов участкасига бориб, электрон овоз бериш ускунасидадан фойдаланади.

Жумладан, Мирзо Улугбек туманидаги 18-сайлов участкасида ҳам анавий услуб билан бирга электрон овоз бериш йўлга қўйилди. Овоз беришга келган сайловчилар, аynиқса, ёшларнинг электрон қурилмага қизиқиши юқори бўлди. Электрон овоз беришнинг эски услубдан фарқли жиҳати шуки, сайловчи аънанавий қоғоз бюллетень орқали эмас, балки махсус қурилмадаги электрон бюллетендан фойдаланиб овоз беради.

Бу жараёнда сайлов бошланишидан 15 дақиқа олдин қурилмада ҳеч қандай овоз берилмагани ҳақида ҳисобот чиқарилди. Сайловчилар келиб ихтиёрий равишда бу қурилма орқали овоз берди. Сайловчи қурилмадан фойдаланса, ёнидаги махсус тугмача олдида оператор туради. Овоз бериш жараёни давом этаётган бўлса, тугма сариқ бўлиб ёнади. Сайловчи овоз бериб бўлганидан сўнг электрон бюллетень қурилмада сақланади ва тугмача яшил ёнади. Ундан сўнг кейинги сайловчи овоз бериши мумкин.

Қурилманинг қулайлиги шундаки, аввало, қоғозбозликка чек қўйилади. Бу йилги сайлов аралаш тарзда ўтаётгани боис, тўртта бюллетень берилган, ҳар бирини рангига қараб ажратилиш керак. Электрон қурилма сайлов тугмагидан сўнг бюллетенларни санаш жараёнида сайловчилар томонидан қанча овоз берилгани, кимларга овоз берилганини тайёр ҳисобот тарзида чиқариб беради.

Энг муҳими, сайлов жараёни шаффофлиги таъминланади.



МЎЙНОҚҚА ЖЎШҚИН ҲАЁТ КИРИБ КЕЛДИ

Бу хайрли ишлар бардавомлиги учун овоз бердим



Айдана АВМАТОВА,
Ажиниёз номидаги Нукус давлат
педагогика институтини талабаси

Мўйноқ туманидаги 378-сайлов участкасига 27 октябрь куни эрта тонгда бориб, биринчилардан бўлиб овоз бердим. Албатта, биринчи марта мазкур сиёсий жараёнда иштирок этганим сабабли бир оз ҳаяжонландим. Бошқа томондан эса танловим жамиятимиз тараққиёти учун хизмат қилишини аниқлаб, масъулиятим, ўзимга ишончим ортди. Шу тариқа ўзим муносиб деб билган партия ва номзодларга овоз бердим.

Сайлов институти, ушбу жараёнда ҳар биримизнинг танловимиз муҳим эканини тушунган ҳолда ҳар бир партия ва

депутатликка номзоднинг сайловчилар билан учрашувини кузатиб бордим. Уларнинг Сайловолди дастури билан тўлиқ танишиб чиқдим.

Кескаю ёш, барча овоз бериш учун сайлов участкасига борди. Бу ҳар бир фуқаронинг эртанги кунига бепарво эътибори билан далолат. Шу сингари мен ҳам ёрқин келажагимиз, яхши ҳаёт учун овоз бердим.

Мўйноқ тумани кейинги беш-олти йилда мисли кўрилмаган даражада ўзгарди. Қурилиш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари натижасида жонажон Мўйноғимизга янги ҳаёт кириб келди. Аэропорт очилди. Бу эса Мўйноқ тумани ва Орол денгизини кўргани келувчилар учун қулай имконият. Шунингдек, янгидан янги ишлаб чиқариш корхоналари қад ростлаб, юзлаб одамлар бандлиги таъминланди.

Мўйноқ кўчаларида сайр қилиб юрган юртдошларимнинг кўзида эртанги кунга ишончини кўриб гурурланаман. Орол денгизининг қуриган тубида янги ҳаёт бошланди. Инсон қадами тегмаган жойларда саксовул экилиб, ҳаётимиз қалқонлари кундан кун кўкка бўй чўзмоқда. Буни барчамиз қувонч билан эътироф этамиз.

Қорақалпоғистонлик ёшларга қатор имкониятлар яратиб берилмоқда. Жумладан, олий таълим муассасаларига киришимиз учун ўтган йили ҳам, бу йил ҳам қўшимча 10 мингта квота ажратилди. Албатта, бу эътибор, ғамхўрликка муносиб бўлиб, Ўзбекистон тараққиёти йўлида бор билим ва имкониятимизни сафарбар этамиз.

САЙЛОВДА ХАЛҚИМИЗНИНГ ЖИПСЛИГИ, ЮРТ ТАҚДИРИ ВА КЕЛАЖАГИГА ДАХЛДОРЛИГИ ЯҚҚОЛ НАМОЁН БЎЛДИ

Бошланиши 1-бегда

Миллий сайлов комиссиялари тизими ҳам давр талаби ва демократик тамойиллар асосида такомиллаштирилди. Мамлакатимиз тарихида биринчи марта барча вилоят ва Тошкент шаҳрида доимий асосда фаолият юритадиган ҳудудий сайлов комиссиялари тузилди. Фуқаролар конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланиб, сайловда эркин овоз бериши учун юртимизда 11 минг 28 та, хорижий мамлакатларда 57 та сайлов участкаси фаолият юритди.

Замонавий ахборот технологиялари миллий сайлов тизимига тобора кенг жорий этилаётгани сайлов жараёнининг барча иштирокчиси учун янги қулайликлар яратиб, юксак самара бермоқда. Бу йилги сайловда “Е-sauylov” ахборот тизими ишга туширилгани шундай муҳим янгилангилардан бири бўлди. Ушбу замонавий тизим ёрдамида сайлов жараёнининг кўплаб тартиб-таомиллари рақамлаштирилиб, бюрократик тўсиқлари кескин камайтирилди ва шаффофлиги оширилди. Тизим бошқа электрон платформалар билан интеграция қилингани сайлов жараёнининг автоматлаштирилиши ва сайловга оид маълумотларни реал вақт режимида олиш, алмашиш имконини берди.

Сайлов куни сайлов жараёнини реал вақт режимида (онлайн) видеотрансляция қилиш мақсадида барча туман ва шаҳарлар ҳудудида жойлашган муайян сайлов участкаларида видеокамералар ўрнатилди. Жумладан, Марказий сайлов комиссияси матбуот марказидаги экранларда ҳам юртимизнинг турли ҳудудидида бўлиб ўтган сайлов жараёнини бевосита кузатиш имконияти яратилди. Кун давомида бу ерда турли брифинглар давом этди. Жараёни нафақат маҳаллий журналист ва экспертлар, балки хорижлик кузатувчилар, чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам кузатиб борди.

— Ўзбекистондаги аввалги сайловларда ҳам қатнашганман, — дейди қувайтлик журналист Холид Алшарқави. — Бу галги сайловни ҳам кузатиш имконига эга бўлганимдан жуда мамнунман. Бир неча сайлов участкаларига бориб, жараёни бевосита кузатдим. Сайловчилар учун барча имконият юқори даражада яратилгани, сайлов участкаларидаги тартиб-интизом, осийишга эътиборини тортиди. Сайлов ташкилотчилари ўз вазифасини тартибли ва тизимли асосда бажараётгани гувоҳи бўлдим. Натижада сайловчилар узоғи билан 5 дақиқада овоз бериб чиқиб кетяпти. Ўзбекистонга келишдан олдин сайлов қонунчилигига қиритилган ўзгартиришларни ҳам ўргандим. Бу янгиланишларнинг барчаси сайловнинг очик, ошқора, тенглик ва адолат тамойиллари асосида ўтишига замин яратди.

Хотин-қизларнинг давлат ва жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид қарорлар қабул қилишдаги иштирокини, сайлов ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишидан биридир. Мамлакатимизда бу борадаги ислохотлар тўғрисида опа-сингилларимизнинг жамият ҳаётидаги фаоллиги тобора ошмоқда. Хусусан, бу галги сайловда Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар орасида аёллар салмоғи 44,7 фоизни ташкил этди. Бу миллий сайлов тизимимиз тарихидаги энг юқори кўрсаткичдир.

Жамиятимизда гендер тенгликни таъминлашга қаратилган бундай ислохотлар



Ислоҳот одимлари

Янги қиёфадаги ички ишлар органлари

юрт тинчлигига ҳисса қўшиш орқали халқни рози қилмоқда



Пўлат БОБОЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазири,
генерал-лейтенант

Бошланиши 1-бетда

Мамлакатимиздаги инсон қадри учун бошланган ислохотлар орта қайтмас тус олди. Мазкур янгиланиш жараёни, аввало, **“Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”** деган эзгу ғояни ўзида мужассам этди. Бугун мамлакатимиз ички ишлар органлари тизимидаги туб ислохотлар айнан шу халқпарвар ғоя асосида амалга оширилмоқда.

Бундай эзгу ғоя асосида ишлашни ислохотлар аввалдидек ўз бурчимиз этиб белгилаб олган эдик. Жумладан, ўзгаришларнинг биринчи босқичида ички ишлар органларининг тузилмаси мақбуллаштирилди. Халқ хизматига қулай ва осон тузилмага айлантилди. Айни пайтда барча бўғин раҳбарларининг халқ депутатлари кенгашлари ва Олий Мажлис Сенати олдига ҳисобдорлиги белгиланди. Шунинг ўзиёқ халқ манфаати билан бевоcита ҳисоблашиш тизимини яратди. Қолаверса, шахсий таркибнинг 85 фоизи кўйи бўғинга туширилиб, аҳолига яқинлаштирилди. Мухими, раҳбарлар халқ орасига қириб, бевоcита мулоқот қиладиган бўлди. Мазкур амалиёт мавжуд муаммолар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш ва уларга тезкор ечим топишга хизмат қилмоқда. Шунинг ўзиёқ давлат идораларининг халққа хизмат қилишини таъминлади.

Яна бир муҳим жиҳат шуки, жойларда ички ишлар идоралари бошқилари 3-секторга раҳбар этиб белгиланди. Шу орқали улар тегишли сектордаги муаммоларни ҳал қилиш асосида аҳолининг дарду ташвиши билан яқиндан танишмоқда. Натижада мазкур сектор раҳбарлари ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-

қувватлаш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга ҳисса қўяпти.

Бундай ўзгаришлар даврида ички ишлар органлари ходимларининг билим ва кўникмаларидан янада самарали фойдаланиш кун тартибига чиқади. Ислохотларнинг иккинчи босқичида шу жиҳатга эътибор қаратилди. Хусусан, ички ишлар органларининг хизмат фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари белгиланди. Натижада жиноятчиликка қарши курашиш, ижтимоий хавфли жиноятларни фoш этиш ва олдини олиш борасидаги ёшдашув тубдан ўзгартрилди.

Жумладан, ички ишлар органларида криминоген вазиятни таҳлил қилиш ва

орасида жиноятчиликка нисбатан муросасиз муносабатни ва юрт тақдирига дахлдорлик ҳиссини шакллантиришга қаратилмоқда. Айни пайтда жиноятчиликни самарали жiolвлашда унинг сабаблари маҳаллабай ва соҳабай муҳокама қилинаётгани самара бермоқда.

Бугун тизимда замонавий технологиялардан кенг фойдаланилаётир. Шу ишларни изчил давом эттириб, маҳалла ҳудудини интеллектуал видеокузатув тизими орқали назорат қилиш ҳамда хавфсизлик билан боғлиқ хабарларни профилактика инспектори планшетида дарҳол юбориш бўйича Хива туманидаги Истиклoл маҳалласида тажриба жорий этилган эди. У ижобий натижа берди.



жиноятчилик динамикасини прогностлашнинг мутлақо янги механизми яратилди. Бу жиноятларнинг олдини олиш билан бирга ҳолатни олдиндан баҳолаш имконини ҳам беради. Албатта, бундай муҳим вазифаларни бажаришда чуқур илмий асосга таяниш талаб этилади. Шу боис, вазирлик тизимида ташкил этилган Криминология тадқиқот институти айнан жиноятлар содир этилишининг янги услубларини ва криминоген вазиятни илмий таҳлил қилиш билан шугулланмоқда.

Ана шундай илмий асос мавжуд бўлган тизим туфайли барча ҳудудда бирдек янгича тизимда иш юритилапти. Давлатимиз раҳбарининг топшириқлари асосида маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратилипти. Бунинг учун ҳар бир ҳудуднинг ўзига ҳоқ хусусиятлари инобатга олинмоқда. Ушa ҳудудда фаолият юритаётган масъуллар бундай хусусиятни, албатта, яхши баҳолай олади. Шу боис, ҳокимлар ва сектор раҳбарларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини кунлик ташкил этаётгани мазкур жараёнинг ҳаётийлигини таъминламоқда. Асосий эътибор аҳоли

Энди бу тажриба мамлакатимиз бўйлаб жорий қилинмоқда.

Мазкур йўналишдаги яна бир янгилик шуки, ҳудудларда учувчисиз учиш аппаратлари (дронлар)дан фойдаланиш амалиёти йўлга қўйилмоқда. Бу тажрибага Бухоро вилояти ҳудудий ички ишлар органларининг 150 нафар профилактика катта инспектори жалб этилган. Улар ўзига бириктирилган ҳудуддаги вазиятни назорат қилиш учун дрон ёрдамидан фойдаланади. Ушбу амалиёт самара берса, уни ҳам мамлакатимиз бўйлаб татбиқ этиш режалаштирилган.

Наманган вилоятидаги ёнма-ён жойлашган, криминоген вазияти мураккаб маҳалалар микроҳудудларга ажратилди ҳамда уларда профилактика бош инспектори ва профилактика кичик инспектори лавозими жорий этилди. Ушбу янгилик ҳам маҳаллаларда аҳоли осийишталгини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлашда самара беради деб умид қиламиз. Чунки бу каби амалиётлар ўзини оқлайпти. Масалан, Гулистон шаҳридаги Боғишамол ва Тараққиёт маҳаллаларида



синовдан ўтган кўп қаватли уйларнинг кириш-чиқиш жойларини видеоназорат қилиш воситалари билан жиҳозлаш тажрибаси энди бошқа жойларга ҳам татбиқ этилмоқда.

Ҳудудлардаги жиноятчиликнинг олдини олишда маҳалла профилактика инспекторининг ўрни жуда муҳим. Шу боис, яхши фаолият юритиши учун уларга қатор қулайлик ва имкониятлар яратиб берилмоқда. Жумладан, ҳар бир маҳаллага камида биттадан профилактика инспектори бириктирилган. Улар кечало кундуз аҳолининг хавфсизлик билан боғлиқ муаммоларини ҳал эта олиши учун доим маҳалла ҳудудида бўлиши керак. Шу мақсадда соҳа вакилларига маҳалланинг ўзида 6552 та хизмат уйи берилди. Бундан ташқари, автомашина харид қилиши учун имтиёзли кредитлар ажратилди.

Маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими яратилди. Унга кўра, маҳаллаларда хавфсиз муҳит вужудга келтириш учун профилактика инспектори, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчиси ҳуқуқбузарлик содир этиш ва ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларнинг муаммоларини ҳал этиш бўйича манзилли ишларни бажармоқда. Бу борада уларга ижтимоий ҳодим, солиқ инспектори, бандлик ҳодими, инспектор-психолог, тиббиёт ҳодими ва бошқа мутасаддилар яқиндан кўмаклашапти.

Жамоат хавфсизлигини инсон омиллини истисно этган ҳолда таъминлаш масаласи ҳам вазирлик раҳбариятининг диққат марказида. Шу мақсадда энг олис ҳудудларда ҳам жиноятлар бўйича хабарларни қайд қилишнинг 102 автоматлаштирилган тизими



Ахборот-коммуникация технологиялари ривожлангани, ижтимоий тармоқлар оммалашгани сайин аҳоли орасида кибержиноятлардан жабрланаётганлар сони ҳам тобора кўпаймоқда. Шу боис, юртдошларимизни огоҳликка чақириш мақсадида виктимологик профилактика тадбирларини кучайтирдик.

жорий этилди. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва йўл ҳаракати қондабузарликлари бўйича баённомаларни электрон расмийлаштириш амалиёти йўлга қўйилди.

Кўчалардаги хавфсизлик ҳолатини кузатиш учун вилоят марказларида 13 та тезкор бошқарув маркази ҳамда туман (шаҳар)ларда 130 та мониторинг маркази ташкил этилиб, улар фаолиятига 19 мингдан зиёд видеокамера интеграция қилинди.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳам устувор вазифаларимиздан. Ҳозир жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар билан фақат видеокамера назорати остида мулоқот қилинади. Барча тергов хоналарига видеокамералар ўрнатилган. “Тезелла ойнаси” билан жиҳозланган ва видеоконференц алоқа тизимига уланган 57 та махсус тергов хонаси ташкил этилган. Бу ҳам тергов ҳаракатларини ҳолисона олиб бориш гаровидир. Биз фақат назорат воситалари билангина чекланмаямиз. Аввало, шахсий таркибни инсонпарварлик, ватанпарварлик, бурчга садоқат, қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш чораларини кўряптиз. Бу борада маънавият ва маърифат дарслари, турли маданий-маърифий тадбирлар, яқка тартибдаги тарбиявий ишлар самара бермоқда.

Замон талабларидан келиб чиқиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш амалиёти тўлиқ рақамлаштирилди. Тизимда фуқароларни қабул қилиш учун 262 та хона ташкил этилди. Бугун ички ишлар органлари ходимлари билан боғлиқ ҳолатларда (1102) ҳамда қийин вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар (1259 ва 1286), сайёҳлар (1173) ва одам савдосидан жабрланган фуқароларга (301-01-01) ҳуқуқий ва тезкор психолог ёрдам кўрсатиш бўйича қисқа рақамли “ишонч телефонлари” ишлаб турибди.

Ахборот-коммуникация технологиялари ривожлангани, ижтимоий тармоқлар оммалашгани сайин аҳоли орасида кибержиноятлардан жабрланаётганлар сони ҳам тобора кўпаймоқда. Шу боис, юртдошларимизни огоҳликка чақириш мақсадида виктимологик профилактика тадбирларини кучайтирдик. Ушбу тадбирлар жараёнида банк пластик карталаридан хавфсиз фойдаланиш йўл-йўриқлари, кибержиноятчилардан эҳтиёт бўлиш чоралари аҳолига ҳар томонлама тушунтириляпти.

аҳолини иссиқлик билан таъминлаш биринчи масалага айланди. Лекин мана олти йилдирки, марказлашган иссиқлик тизимига эга эмасмиз. Муаммолар юзасидан мутасаддиларга бир неча бор мурожаат қилганмиз. Аммо масалага ижобий ечим топилмагача йўқ.

Қирғули мавзесидаги иссиқлик тармоқлари ўтган асрнинг етмишинчи йилларида қурилган бўлиб, тармоқлар маънан эскирган, таъмирталаб ҳолга келиб қолгани учун иссиқлик энергияси ортқича йўқотилишига сабаб бўлмоқда. Шу боис, кўп қаватли уйларга фақат иссиқ сув етказиб берилляпти.

— Бугунга қадар қиймати 39,9 миллион доллар бўлган дастур асосида “Қирғули иссиқлик манбаи” МЧКга қарашли 76 километр иссиқлик тармоқларини модернизация қилиш



ҳамда Қирғули мавзесида жойлашган 317 та кўп қаватли уй ва 41 та ижтимоий соҳа объектида индивидуал иссиқлик пунктлари ўрнатиш режалаштирилган, — дейди қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бош мутахассиси Сардорхон Содикхонov. Ҳозир Осие тараққиёт банки ва бошқа тегишли вазирликлар билан тақлиф этилаётган лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан дастлабки музокаралар олиб борилмоқда. Лойиҳа ҳисобида 35 минг киши узлуксиз иссиқлик энергияси ва иссиқ сув билан таъминланади. Иссиқлик тармоғидаги йўқотишлар сарфи 32,44 миллиард

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, бу борада тезкорлиқни ошириш учун патруль-пост хизматида автопатруллар сони кўпайтирилиб, шахсий таркибнинг 37,8 фоизи автопатруль йўналишига жалб этилди. Турли кўнгилсизликлар, ҳатто одамларнинг ҳаётидан кўз юмишига сабаб бўлаётган автоҳалокатлар юз бераётгани кўпчиликини жиддий ташвишга солаётир. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун йўл-патруль хизмати ходимлари 4629 та бодикамера, 1448 та алкотестер, ҳуқуқбузарлиқни қайд этувчи 4365 та планшет ҳамда замонавий патруль автомашиналари билан таъминланди.

Умумтаълим мактабларида “Йўл ҳаракати хавфсизлиги” ўқув хоналари, маҳалла ва мактабга таълим ташкилотларида эса йўл ҳаракати қондаларини тарғиб этувчи болалар майдончалари ташкил этилди. Шу тарика болаларда йўлларда ҳаракатланиш маданиятини шакллантиришнинг яхлит тизими яратилди.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида ижтимоий-сўёсий ҳаётнинг барча жабҳасида улкан тарихий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Мазкур янгиланишлар жараёнида Президентимиз фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида қайд этилган **халқ хизматидоғи адолатли ва замонавий давлатни барпо этиш** ғояси алоҳида ўрин эгаллаган. Ушбу ғоя асосида янги Ўзбекистоннинг янги ички ишлар органлари шакллантирилмоқда. Ички ишлар органлари ходимлари **ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қилишни олий бурчи** деб билади. Улар ана шу эзгу мақсад йўлида бор куч, билан ва салоҳиятини ямайдди.

Мамлакат тараққиёти, иқтисодий-ижтимоий ислохотлар самарадорлигини тинчлик-осойишталикни сақлаш, қонун устуворлигини таъминлашга боғлиқ. Президентимиз **“Агар давлат таянадиган асосий устун қонун бўлса, унинг кучини амалда намойен этадиган энг самарали тизим, бу — ички ишлар соҳаси, десак айни ҳақиқат бўлади”**, дея ходимларимизга юксак ишонч билдирди. Вазирлик шахсий таркиби бу ишончдан руҳланиб, мамлакатимизда демократик ислохотларнинг изчил давом эттириш, халқимизни рози қилиш, тинчлик ва барқарорлик, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга муносиб ҳиссасини қўшишда давом этади.

Тарадду

Хар йили совуқ кунлар яқинлашиши билан мавсумга жиддий тайёргарлик бошланади. Чунки олдиндан иситиш, электр энергияси, табиий ва суюлтирилган газ билан таъминлаш чоралари кўрилмаса, ҳарорат совиб кетганда бу борада кўплаб муаммолар келиб чиқиши табиий. Ёғин-сочинли кунларда уй томидан чакка ўтиб турса ёки бошқа носозлик юз берса, бартараф этиш қийин кечади. Қишлоқ шароитида эса кўмир-ўтин фамлаш муҳим.

Бу каби долзарб масалалар Фарғона вилоятида қандай ҳал этиляпти? Аҳолининг бу борадаги талаб ва эhtiёжини қондириш учун қандай чора-тадбирлар белгиланган?

— Кўп квартиралы турар жой фондиди куз-қиш мавсумига тайёрлаш мақсадида шу кунга қадар 62 та уйнинг том қисми, 230 та кириш йўлағи, 298 та электр тақсимловчи шит таъмирдан чиқарилган, — дейди Фарғона вилояти курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Авазбек Мадамнов. — Асосий эътибор кўп квартиралы уйларнинг ертўла ва ички қисмидаги муҳандислик-коммуникация тармоқларини таъмирлаш, темир эшик, кодли қулф, фрамуга ойна ҳамда энергетикажамкор сенсорлы лампалар ўрнатишга қаратилляпти. Шу кунга қадар 3722 кўп қаватли уй-жойли электр энергияси билан таъминловчи 4117 та электр тармоғин хўжалиги объекти тўлиқ хатловдан ўтказилиб, манзилли руйхат асосида “қизил”, “сарик” ва “яшил” тоифаларга бўлинди. “Қизил” тоифага киритилган электр тармоғи хўжалиги объектларидан 1032 таси таъмирланди. Шунингдек,



иссиқлик билан таъминлянапти. Бу бир иссиқлик даврида 21 миллион куб метр табиий газ, 9,5 миллион киловатт электр энергиясини иқтисод қилиш орқали ўрта ҳисобда 10,8 миллиард сўм тежаб қолиш, коммунал тўловлар таннаҳарини сезиларли арзонлатиш имконини бериди. Фарғона вилоятидаги 3949 кўп квартиралы уйга 62 та бошқарув-сервис компанияси ва 2 та уй-жой мулкдорлари ширкати хизмат кўрсатиб келмоқда. Жойларда кеча-кундуз ишловчи ишонч телефонлари, авария-диспетчерлик хизматлари фаолияти йўлга қўйилди. Жумладан, Қўқон шаҳридаги “Хўқанди латиф” бошқарув-

сервис компанияси 125 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатиб келади. Бу ерда истеъмолчилар талаби ва истаклари асосида муаммоларни ўрганиш ҳамда бартараф этиш, қўшимча хизмат турларини жорий этиш борасидаги ишлар кўлами кенгайди, янги ва қўшимча хизмат кўрсатиш турлари ташкил этилди.

— Айни пайтда 5 та коммунал хизмати кўрсатиш бригадаси фаолияти йўлга қўйилиб, мавсум тадориғи доирасида “Райхон”, “Янгиобод”, “Туркистон” маҳалла фуқаролар йиғинидаги кўп қаватли уйларнинг 8837 квадрат метр том қисми, 17 та уйнинг ички канализация тизими таъмирланди, — дейди бошқарув-сервис компанияси раҳбари Маъмуржон Мамажонов. — Диспетчерлик хизматига келиб тушган 1139 та мурожаат ўрганилиб, аниқланган муаммо бартараф этилди. Кириш йўлакларини таъмирлаш, энергетикажамкор тунги чироклар ўрнатиш, ички йўл ва йўлакларини асфальтлаш билан боғлиқ қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. Бунинг учун 2 миллиард 480 миллион сўмдан ортқик хизматлари фаолияти йўлга қўйилди. Бошқарув-сервис компанияси ташкил этилганида аҳоли дебиторлик қарзи

4 миллиард 460 миллион сўмдан зиёд эди. Бугунга келиб, қарздорлик миқдори 50 фoиз қисқарди. Кўрсатилётган хизматлар учун биллинг тўлов тизими орқали ҳақ олинапти. Бу коммунал тўловлар билан боғлиқ ортқича оворагачарчилик ва ишонсизликларнинг олдини олиш имконини берди. Аҳоли тўлаган пули қайси мақсадларга йўналтирилаётганини электрон кузатиб бориши мумкин.

Бир қараганда яхши. Аммо бу мавсум билан боғлиқ муаммолар тўлиқ бартараф этиляпти, деган хулоса бермайдди. Масалан, бир неча йилдирки, Фарғона шаҳридаги Қирғули мавзесидаги аксарият кўп қаватли уй-жойларнинг иссиқлик тизими ишламайди. Қорли-қировли кунларда уй-жойини иситиш учун фуқаролар газ плитаси ёки электр иситиш мосламаларидан фойдаланиб келади. Айримлари эса мустақил қурилмалар ўрнатиб олган. Бу айни куз-қиш мавсумида кўнгилсиз ҳолатлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

— Юздан ортқик кўп қаватли уй-жойга хизмат кўрсатиб келамиз, — дейди “Макс бунёдкор” бошқарув-сервис компанияси раҳбари Адолатхон Каримова. — Совуқ кунларда

сўмга камаяди. Истеъмолчилар таъғийи газдан 10,9 миллиард сўм, электр энергиясидан 7,1 миллиард сўм иқтисод қилиш имкониятига эга бўлади.

Куз-қиш мавсумига ҳозирлик жараёнида электр ва табиий газ ресурсларидан самарали фойдаланишга эътибор оиди. Таҳлилларга кўра, йил якунига қадар 1 миллиард 534 миллион киловатт-соат электр энергияси ҳамда 684 миллион 126 минг куб метр табиий газни тежаш режалаштирилган.

— Бугунга қадар ижтимоий соҳа объектлари ва давлат идораларига 17 мегаватт, тадбиркорлик субъектларига 47,8 мегаватт ҳамда аҳоли хонадонларига 9,8 мегаватт куёш панеллари ўрнатилиши ҳисобига 64,6 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилмоқда, — дейди бошқармаси бош мутахассиси Сардорхон Содикхонov. Шунингдек, 2337 та субъектга реактив қувватни компенсация қилувчи конденсатор батареялар ўрнатилди. Барча ташкиллы ва техник тадбирлар амалга оширилиши ҳисобига 135,3 миллион киловатт-соат электр энергияси тежалади. Кўп қаватли уйларга базальт қоплаш, бюджет корхоналаридаги иситиш қозонларини кўмирга ўтказиш, замонавий ва энергетикажамкор газ жиҳозлари ўрнатиш билан боғлиқ чора-тадбирлар ҳисобига 32 миллион 915 минг куб метр табиий газ иқтисод қилинади. Шу кунга қадар ижтимоий соҳа, тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли хонадонларига 75,4 мегаваттлик куёш панеллари ўрнатилди.

Қисқаси, куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш бўйича режалаштирилган ишларни ўз вақтида яқунлаш ҳамда мавсумини беталоват ўтказиш ҳозир ҳар қачондиган долзарб масала. Бонси, қишнинг ҳар кунли, ҳар дақиқаси синов.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Мамлакатимизда барча соҳалардаги кенг қўламли ислохотлар изчиллиги юқори малакали кадрлар тайёрлаш билан бевоcита боғлиқ. Зеро, замон талабидаги юксак салоҳиятли, билимли, масъулиятли, рақобатбардош кадрларни етиштириш энг долзарб масалалардан биридир. Ишлаб чиқиладиган истиқболли дастурларнинг асл негизида ҳам таълим сифатини халқаро талабларга мослаштириш мақсади ётибди. Айниқса, халқ хўжалигининг барча соҳаларини жадал ислох этиш ва модернизация қилишнинг янги даври миллий иқтисодиётимизнинг юксалишига асос бўлмоқда.



Қурбонали ХОЛИҚОВ,
техника фанлари доктори,
профессор

Бундан қўзланган мақсад моддий ва маънавий манбаларни ишлаб чиқаришни динамик ҳамда пропорционал тарзда ривожлантириш, илм-фанни ишлаб чиқариш билан интеграциялаш, унумдорлигини ошириш ва захираларини аниқлаш ҳамда уни моделлаштиришдир. Бунда мавжуд хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаб, истезмолга тайёр маҳсулотлар турини кўпайтириш билан бирга экспортга мўлжалланган маҳсулотлар салмоғини ошириш, ўз навбатида, мамлакатнинг халқро бозордаги рақобатлашув салоҳиятини таъминлаш орқали иқтисодиётни ислох этиш ва уни модернизация қилиш, энг асосийси, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни маҳаллийлаштиришдан иборат.

Қабул қилинадиган дастурлар ва уларни амалга оширишда яратилган моддий манбалар ва имкониятларнинг барчаси эртанги кун тараққиёти учун масъулиятни зиммасига оладиган юқори малакали мутахассислар учундир. Чунки чуқур илмий тадқиқотларга, таҳлилларга таянган ҳолда амалга ошириладиган ислохотлар, шиддат

Олий таълимдаги янгилашлар

ИЛҒОР МУҲАНДИСЛИК МАКТАБЛАРИ

малакали кадрлар тайёрлашда муҳим бўлинга айланади

билан ўсиб бораётган янгилашлар замон билан ҳамнафас кадрларга эҳтиёж сезмоқда.

Шунинг учун таълим тизимидаги ислохотлар моҳиятан замонвий меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган, барча замонвий компетенцияларга эга олий маълумотли мутахассислар тайёрлашга қаратилган.

Бугунги кунда дунё иқтисодиётининг барча тармоқлари рақамли тизимга ўтмоқда. Бу эса рақамли трансформация ахборот технологиялари ва юқори технологияли ишлаб чиқариш корхоналаридаги муаммоларни ҳал қилишга қодир қўшимча мутахассисларни талаб қилади.

Давлатимиз раҳбари раислигида жорий йилнинг 20 июнь кунини “Инно” инновацион ўқув-ишлаб чиқариш технопаркида муҳандислик соҳаларида кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштиришга бағишлаб ўтказилган йилгилишда ҳам муҳандислик соҳалари учун мутахассислар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари фаолияти танқидий ўрганилди. Масъулларга келгусида амалга ошириш лозим бўлган қатор вазифалар белгилаб берилди.

Бугунги кунда дунё миқёсида саноатда таннархни камайтириш муҳим масалалардан бир экани ҳақида сўз борди. Таъкидлашчи, хорижий олийгоҳларда “таннарх муҳандислиги” (кост инжиниринг) йўналиши бўйича кадрлар тайёрланади. “Қиёслаш муҳандислиги” (бенчмаркинг) орқали энг яхши амалиёт ва ютуқларни таҳлил қилиб, улардан андаза олиб, ишлаб чиқаришга жорий қилиш ўргатилади. “Қайта муҳандислик” (реверсив инжиниринг) тайёр маҳсулотни олиб, ишлаб механизминини булақларга бўлиб, муаллифлик ҳуқуқини бузмаган ҳолда ўқилаш маҳсулот яратишни ўргатади.

Йилгилишда, шунингдек, маҳаллий саноат тармоқлари катта маблағ сарфлаб, ишчилари хорижда ўқитишга ёки четдан мутахассис олиб келишга мажбур бўлаётгани қайд этилди. Хориждаги илгор табирибалардан келиб чиқиб, мукамал мутахассисларни ўзимизда тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш муҳим масала сифатида белгиланди.

Энди муҳандислик олийгоҳларининг барча ҳамкор корхоналарида кафедралар филиаллари фаолияти ва дуал таълим тизими йўлга қўйилиши кўзда тутилди. Талабалар битирув курсидаги таълим жараёнларини, шунингдек, амалиётини тўлиқ ҳамкор кор-



хоналарда ҳам илм, ҳам тажрибага эга бўлиб давом этириши бўйича кўрсатмалар берилди. Бунда муҳандислик олийгоҳларида Илғор муҳандислик мактаблари фаолияти йўлга қўйилиб, икки йиллик амалий магистратура дастурлари бўйича ўқитилиши мувофиқлаштирилди.

Таълим жараёнидаги барча зарур шарт-шароитларни таъминловчи юқори технологияли корхоналар билан ҳамкорликда янги турдаги кадрлар тайёрлаш тизими, яъни илгор муҳандислик мактабларини яратиш бўйича вазифалар топширилган. Инновацион ечимлар ишлаб чиқувчи муҳандисларни тайёрлаш, муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш, илгор ишланмалар ва тадқиқотлар билан яқиндан қўллаб-қувватлаш орқали жаҳон даражасига мос салоҳиятли кадрлар етиштириш бугуннинг асосий вазифаларидан бирига айланган.

Муҳандислик олийгоҳларида юқори технологияли корхоналар билан ҳамкорликда Илғор муҳандислик мактаблари фаолияти “тармоқ — корхона — олийгоҳ” занжири

асосида ташкил этилиши яхши самара бермоқда.

Наманган тўқимачилик саноати институтида ҳам тўқимачилик, бўйлаш-пардозлаш технологиялари ва уларни тадқиқ қилиш лабораторияларидан иборат Илгор тўқимачилик муҳандислиги мактаби фаолияти йўлга қўйилди. Институт ва тўқимачилик корхоналари ҳамкорлигида соҳада малакали муҳандис-технолог ва механикларни тайёрлаш ҳамда техник-технологик йўналишлар бўйича илмий тадқиқотларни амалга ошириш, инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш жадаллаштириш мақсадида дастлаб Косонсой тумани “Намуна” кичик саноат ҳудудида фаолият юритаётган “Баркас” МЧЖда Илгор муҳандислик мактаби филиали ташкил этилди. Ушбу мактабда тингловчилар энг замонвий моддий-техник базада амалий тажрибаларини мунтазам шакллантириб боради.

Мактабда талабалар тўқимачилик толаларидан тортиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга бўлган жараёнлардаги илгор тех-



нологияларни корхона мутахассисларидан ўрганиб, институтда олган назарий билимларини амалиётга таъбиқ этиш орқали чуқур ўзлаштиради. Бундан ташқари, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришда иштирок этиш ҳамда илмий инновацион тадқиқот ишлари олиб борган ҳолда касбий кўникмаларини ҳам янада мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлади.

Институтда икки йиллик индивидуал таълим йўналишлари бўйича ўқитишнинг амалий магистратура дастурлари йўлга қўйилди. Биринчи йили талабалар корхоналардаги мавжуд технологияларни мукамал ўзлаштириб, корхона буюртмаси асосида янги маҳсулотлар лойиҳалаштиради, илмий изланишлар ўтказиш ва чуқурлаштирилган модуль дастурлар асосида ўқитилади. Иккинчи йилда янги маҳсулотлар бўйича тажриба-конструкторлик намуналарини яратиш билан боғлиқ технологик жараёнларни корхоналарда синавдан ўтказилади.

Турли йўналишлардаги талабаларнинг ўқишини Илгор муҳандислик мактаби

филиалида биргаликда ташкил этиш, яъни фан ва ишлаб чиқариш интеграциялашув амалиёти жорий этилди. Корхонада муҳандис технолог ва механиклар бир лойиҳа доирасида ишлайди. Шунингдек, бўйлаш-пардозлаш бўлимида муҳандис технологлар билан кимё технологияси мутахассислари ишларини мувофиқлаштириш самарали экани маълум бўлди. Бунда технологик маҳсулотлар ва инновацияларни “ғоядан бозорга” тамойили остида ишлаб чиқаришнинг замонвий усул ва воситаларини кенг жорий этиш бўйича тўплаган тажрибалар малакали мутахассислар тайёрлашга қаратилди.

Илгор муҳандислик мактабиде жамият муаммоларига хавфсиз ечим топиш учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариш, технологик жиҳоз-ускуналар ва мосламаларни таъмирлаш, уларни унификациялаш, лойиҳалаштиришда илмий-амалий, иқтисодий, ижтимоий ва амалий билимларни қўллаш кўникмалари шакллантирилмоқда.

Институтда бакалаврият йўналишида “4+2” янги ўқитиш тизими жорий этилиши натижасида назария ва амалиётни бирга олиб бориш самара бермоқда. Корхона жиҳозлари ва технологияларидан бевоcита ўқув жараёнида фойдаланиш орқали талабаларнинг назарий билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлашга, корхона ва ишлаб чиқариш шароитларига ижтимоий мослашувига эришилмоқда. Бу орқали келгусида юқори касбий кўникмалар шаклланган талабаларни Илгор муҳандислик мактабига саралаб олиш имконияти яратилади.

Таълим сифатини таъминлаш учун замонвий ўқув дастурларини имитация қила оладиган илгор педагогик технологияларни жорий қилиш, интерфол шакллари, симуляцион усулларни ҳамда лойиҳавий усул ва воситаларни қўллаш орқали “устоз-шогирд” тизими самарали йўлга қўйилди.

Муҳандислик соҳалари учун мутахассислар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларида Илгор муҳандислик мактаблари фаолиятини йўлга қўйиш орқали мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришга юксат ҳисса қўладиган малакали мутахассислар тайёрлаб берилди.

Орамиздаги одамлар

ИНСОН УМР ЙЎЛИ ХАРИТАСИНИ

Ўзи чизади

Дунё яралибдики, инсон мудом курашиб яшайди, бахтга интилади. Улғайгач, ҳаёт йўлларида пайдо бўлган муаммо ва тўсиқлардан зада бўлган пайтларда ота-онаси бағрида ўтган беғубор болалигини, ёшлигини кўмсаб қолади. Дарҳақиқат, ҳаммамизнинг болалигимиз, таъвишсиз кунларимизнинг энг ардуқли хотирлари энг шуқоримизни доим ёнгитиб туради. Лекин шундай одамлар борки, уларнинг кураши айни болаликдан бошланади.



Хуррам 1980 йилда Форш туманининг хушманзара Қўлла қишлоғида туғилди. Аммо бир ёшга тўлиб, атак-чекач қила бошлаганида бедаво дард ёпишди. Полиомиелитга чалинди. Боланинг иккала оёғи фалаж бўлиб қолди. Тақдир Хуррамга бир умр тўшакка михланиб ётиш ҳукмини ўқиган эди. Бироқ у дардга таслим бўлмади. Хатти-ҳаракати билан умр йўлини ўзгартирди. Ҳаётда инсон учун жисмоний нуқсон аҳамиятга эга эмаслигини исботлади.

Отаси фарзанди билимли бўлиши учун Хуррамни Тошкентдаги ногиронлиги бор болаларни ҳам даволаб, ҳам ўқитадиган муассасасига жойлаштирди.

— Эсимни танибманки, кунларим мутасил дорин-дармон, эмлаш билан ўтарди.

Жисмим эмлашлардан безиллаб қолганди, — дея хотирлайди Хуррам Тангиров.

У Тошкентдаги мактаб-интернатда ўқиб юрган кезлари ўзига ўхшаб оёғи, қўли фалаж бўлган, туғма ногиронлиги бор, ақли ноқис болаларни ҳам кўрди. Улар Хуррамни фикрлаш, ўз ҳаётига четдан туриб назар ташлашга ундарди. Шундай паллада у “Оёғим ишламаётган бўлса, қўлим ишлайпти-ку. Ақа-хушим жойида. Ўқиниш, кўпроқ ўқиниш керак”, дерди ўзига ўзи.

Боланинг бўш вақти деярли бўлмади. Дарслардан кейин мактаб-интернат кутубхонасида ўтириб навбатдаги сабоқларга тайёрланган, озгина вақт қолса, бадий асарлар мутоласига киришиб кетарди.

— Асар қаҳрамонларнинг ҳаёти ҳақида мулоҳаза уйғуртардим. Инсон ҳаммаша яхши яшашига ҳаракат қилиши керак деб ўйлардим, — дейди қаҳрамонимиз.

Ана шундай ўй-мулоҳазалар Хуррамни эрта улғайтирди. Тошкентдаги мактаб-интернатда 9-синфни имтиёзли тугаллаб, Форшга қайтиб кетди. Қишлоғидаги 12-мактабни ҳам 1997 йилда имтиёзли тугатди. Шу йили Жиззах индустриал техникумининг ҳисобчилик бўлимига ҳужжат топшириб, имтиҳонлардан муваффақиятли ўтди. У техникумининг аълочи талабаларидан эди. Жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этар, имконияти чекланганини сабаб қилиб кўрсатиб, айрим ишлардан озод қилишларини сўрамасди. Билимга иштиёқи, мустақил

ўқиб-ўрганиши туфайли техникумни имтиёзли тугаллади. Отаси олий таълим муассасасига кириб, ўқишни давом эттиришни маслаҳат берди.

— Очигини айтсам, отамнинг маслаҳати билан ўқишни давом эттиришим мумкин эди. Аммо техникумга олган билимларимни амалиётда синаб кўроқчи бўлдим. Бухгалтерия жуда мураккаб соҳа, битта рақамнинг ортиб кетиши ёки кам бўлиши барча меҳнатингизни йўққа чиқариши мумкин, — дейди Хуррам Тангиров.

У Форш туманидаги бир идорага бош ҳисобчи вазифасига тайинланади. Бир йил давомиде назарий билимларини амалиётда синавдан ўтказди. Бошқа ташкилотларнинг ҳисобчилари тайёрлаган ҳисоботларини кўриб, хато ва камчиликларини тўғрилашда ёрдам берарди.

— Ахойиб ўлгингиз бор-да, — дерди бошқа ҳисобчилик Эргаш акага. — Келажакда ҳисобчилик касбининг профессори бўлади.

Лекин Хуррамнинг бошқа режалари бор эди. Дунёда информатика, рақамлаштириш жадал ривожланмоқда. У шу соҳаларни ўзлаштиришни истарди. Шунинг учун 2000 йилда Жиззах давлат педагогика институтининг математика ва информатика йўналишига ўқишга кириб, 2004 йилда бакалаврият дипломинин олди. Институтда ўқиган кезлари ҳеч ким кутмаган таклиф ва ташаббуслар билан чиқиб, информатика ва рақамлаштиришнинг келажиги ҳақидаги фикрлари билан устозларнинг эътиборини қозонган эди. Шу сабабли унга институтда қолиб, “Математик таълим жараёнини ахборотлаштириш” марказида ишлаш таклиф қилинганида жуда хурсанд бўлди. Яна ишга шўнгиб кетди.

Аслида, Хуррам биринчи гуруҳ ногирони эди. Кейинчалик негадир унга иккинчи

гуруҳга туширилгани маълум қилинди. Бу масалалар Хуррам учун энди аҳамиятини йўқоттанди. Энг асосийси, унинг сеvimли иши, сеvimли-жамоаси бор эди. Шунинг учун “Билганларингни қилинлар!” дегандай қўл силтаб қўйди. У 2004 йилдаёқ умр йўли харитасини “чизиб” қўйганди.

Хуррам Тангиров ҳозир Жиззах давлат педагогика университетининг информатика ва рақамли таълим технологиялари кафедрасида меҳнат қилмоқда.

— Хуррам мудом изланишда, доим янги ғоялари, таълим самарадорлигини ошириш бўйича фикрлари билан бошқалардан ажралиб туради, — дейди университет ректори, профессор Шавкат Шарипов. — Тўрт мучаси соғлом айрим одамларнинг турли идоралар эшигини қоқиб, ёрдам сўраб юрганни, учраган таниш-билишларига дийдиде қилаётганини кўриб ҳайрон бўламан. Хуррам Тангиров барча муваффақиятга ўз ҳаракати, изланиш ва интилишлари билан эришмоқда. Ҳатто бирор жамоатчилик вазифаси юклатилса ҳам оғринмайди. Ўша вазифага жон-дили билан киришиб кетади ва ижобий натижалар билан ажунлайди.

Қаҳрамонимиз тинимсиз изланиши, саъй-ҳаракати билан 2022 йилда физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори бўлди. Яқинда унга доцент илмий унвони берилди. Давлатимиз раҳбарининг тегизи фармонига кўра, Хуррам Тангиров “Шўҳрат” медали билан мукофотланди. Бу унинг кўп йиллик изланиш ва меҳнатлари эътирофи эди.

— 27 сентябрь оқшоми яқинларим, устоз шогирдларим табрикларидан кейин Президентимиз фармонини ўқиб, хурсандлигимдан йиғладим. Бирдан ўтмишнинг кўз ўнгимдан ўтди. Байрам арафасида виллят ҳокими медални тантанали топширди. Камтарона меҳнатларим эъзига мана

шундай юксак мукофотга, устозларим, шогирдларим эътирофи ҳамда эъзозига сазовор бўлганимдан, қолаверса, ўқитувчиликдек шарафли касбини танлаганимдан хурсанд бўлдим, — дейди Хуррам Тангиров. — Касб байрамимиз арафасида давлатимиз раҳбари Педагогик маҳорат миллий институтида ўқитувчи ва мураббийлар билан мулоқот қилди. Ушбу мулоқотда таълим тизимини ривожлантириш, жамиятда ўқитувчи, устоз ва мураббийлар мавқеини ошириш, меҳнатини муносиб қадрлаш бўйича вазифалар белгиланди. Президентимиз билдирган юксак ишонч, берилган ушбу давлат мукофоти билан, албатта, ўзига яраша масъулият бор. Бундан кейин ҳам бор билим ва маҳоратимни мамлакатимизда таълим тизимини янада ривожлантиришга сарфлайман.

“Олма дарахтининг тағига олма тушади”, деганларидек, Хуррамнинг фарзандлари ҳам илмга ошурфта бўлди. Катта ўғли Бехрузбек бу йил Президент мактабини тугаллаб, “Янги Ўзбекистон” университетига ўқишга кирди. Иккинчи фарзанди Ҳаётбек Жиззах шаҳридаги Президент мактабиде ўқимоқда. Кенжа Муслимбек эса бу йил 1-синфга борди.

Хуррам Тангировнинг маънавий дунёси бой. Юксак билим, кенг дунёқараш соҳиб. Букилмас иродаси ва улкан салоҳияти бор. Буни келажакдаги режаларидан ҳам билса бўлади. У давлат мукофотидан руҳланиб, ўз йўналишида илмий ишларини давом этириб, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фол ривожлантиришга, аинқиса, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлашда замонвий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга кўмаклашишни кенг ният қилган.

Асад МУСТАФОЕВ,
журналист

Инсон мана шу икки масканда тўғри тарбия топади ва ҳаётнинг қадрига етадиган бўлади. “Шахс — оила — маҳалла” учлиги мамлакатнинг барқарор ривожига, халқаро майдондаги нуфузи, обрў-эътибори, ўрни юксалишига мустаҳкам заминдир, бағрикенглик эса бу тамойилнинг чўнг илдизидир.

Буюк ўзбек йўли

Бағрикенглик — Ўзбекистоннинг



Шукуржон МАМАТҚУЛОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
профессор

Ўзбекистон делегацияси таркибида Дўрмон қароргоҳида икки давлат раҳбарлари бошчилигида ўзбек-қирғиз ваколатли вакилларининг кенг миқёсдаги учрашувида, Ўш шаҳрида янги қурилган ўзбек-қирғиз мактабининг, мамлакатимиз томонидан янгиланган Ўш драма театри биносининг, “Марҳамат — Аравон” ва “Хонобод — Бекобод” чегара ўтказиш масканларининг очилишида иштирок этганимда бошқалар қатори мен ҳам икки халқнинг ҳаётини бир-бирисиз тасаввур қилиш имконсиз эканига амин бўлдим.

Барча даражадаги учрашувларда асрий қондошлик, яшаш тарзи, урф-одатлари бир-бирига муштарак халқларнинг дини, тили ва мақсадларидан айро эмаслиги аққол исботини топиладиган ҳамма қувонди...

“Хонобод — Бекобод” чегара масканининг очилиши улкан байрам тусини олди. Ҳар икки томондан келган минглаб қадрдонлар кучоқ очиб кўришар, давра қуриб, қувноқ суҳбатлар қураб, соғинган қалблар дардлашар, қувонч билан дуога қўл очарди. Ҳатто майдондаги одамларга боқиб, ким қирғизу ким ўзбек эканини ажратиб олиш имконсиз эди.

Икки давлат чегарасидаги божхона майдони одамга тўлди. Чегаранинг қоқ ўртасига алвон лента тортилган. Лентанинг у ёғи Қирғизистон, бу ёғи Ўзбекистон. Алвон тасмани қирқиб, ўртани очишда, халқ тилида айтганда, “деворни олиб ташлашда” иштирок этишмни сўрашди. Ана ҳажжон, мана ҳайрат. Вилоят раҳбари билан бирга тасмани қирқдик. Гўлдурос қарсақ атрофини тутиб кетди. Кучоқ очиб кўришишлар, ҳаяжонли кўз ёшлар, дийдорлашувлар... Бун тасвиридашнинг ўзи бир олам гурур ва ифтихор башх этади одамга.

Тадбирда сўзга чиққанлардан бири:

— Мен мана шу чегара пости қурилган қишлоқ фуқаросиман. Синглимни турмушга узатиш учун у ёқдан тўйга таклиф қилдим. Аммо мусиқа ва карнай садолари шундоқ эшитилиб турган жигаримнинг тўйига ўта олмадим. Тўй қувонча, тантана бўлса, унда қатнаша олмаётганим мен учун



Одамларнинг ўзаро муносабатида ҳамкорлик, умуминсоний қадриятлар мужассам бўлса, халқлар дўстлиги, ўзаро тинч-тотув яшаш муҳити шаклланади, осойишталик барқарорлашади. Осузда ҳаёт, ахил-иноқлик ва омонликда яшаш истаги мустаҳкамланади. Бунинг маънавий негизи эса кенгфёллик ва бағрикенгликдир.

аламли ҳолат эди. Титраб-қақшаб йиғладим, — дея йўл очиб берилганига чексиз миннатдорлик билдирди.

Сўнг бир аёл сўзлади:

— У томондан келин бўлиб тушганман, отамнинг вафоти ҳақида қайғули хабар олдим. Бирок пиёда юрса ўн дақиқада етишим мумкин бўлган уйимизга, отамнинг жанозасига ўтолмадим. Аламли фарёд билан келинлик уйимда туриб отамнинг жасадини хаёлан қабрга кузатдим. Бундан ортиқ афсус-надомат борми?! Бу ҳодиса юрагимда аччиқ армон бўлиб қолди. Отамнинг қабрига мавриди билан зиёратга бориб, оддий фарзандлик бурчимни адо этиб, яқинларим билан дийдорлашиш йўлидаги изтироблар эса аламли эди. Шу азобларга чек қўйиб, дийдорга имкон яратиб берган давлатларимиз раҳбарларининг умри узоқ ва халқларимизнинг эртага бутунлигини яхшироқ яшаши учун қилаётган саяё-ҳаракати баракотли бўлсин.

Бу қайғули ва қувончли дамлар инсонларни инсофга чорлайди, диёнатга бошлайди, деган ўй ўтди барчанинг дилидан. Бундай давлатлараро муносабатлар барчамизни мустаҳкам ирода ва эътиқодга ундаши муқаррар.

Андижон вилояти Марҳамат туманида қурилган, лойиҳа қиймати 23,2 миллиард сўм бўлган Мингтепа чегара масканининг очилишида ҳам ўн минглаб тантана иштирокчилари кўз ўнгига худди шундай манзара унутилмас воқеа сифатида муҳрланди.

Андижон вилоятининг Ўчқўрғон тумани орқали “Кенсай” чегара ўтказиш маскани очилган эса озулар ушалиши учун барча чоралар кўрилатганининг яна бир далили бўлди.

Яқинда Андижон вилоятининг Қўрғонтепа тумани ҳудудидagi “Қорасув” божхона чегара масканининг қайтадан очилиш маросимида минглаб одам йиғилди. Шу тантанали маросимда ҳам бир аёл сўзга чиқиб, қирғиз дийдордан Ўзбекистонга келин бўлиб тушгани ва отаси оғир хасталиги туфайли 8 йил тўшакка михланиб қолгани, аммо пиёда бориб келса бўладиган масофадаги бемор — падали бузрукворини кўришга ўта олмай азият чеккани тўлиб-тошиб изҳор қилганда барчанинг кўзига ёш келди. Кўпчилик чегара ўтказиш масканларининг очилиши нақадар муҳим эканини янада чуқур ҳис қилди.

Андижон вилояти билан Қирғизистон ҳудудини 406 километр узунликдаги чегара боғлаб туради. Божхона чегара постларининг қайтадан очилиши икки қардош, маслақдош халқнинг ҳар томонлама ҳам-жиҳатлигига қанот бағишлайпти. Замонавий алоқа, халқаро муносабатлар доираси кенгаётгани туфайли ID карталар орқали ҳам чегарадан ўтиш амалиёти бориб этилиб, ҳужжатларни расмийлаштириш ишларини соддалаштириш борасидаги ташаббус халқимиз томонидан мамнуният билан қутиб олинаётир.

Бир гал Қирғизистон кунлари тадбирининг яқуний қисми Андижонда ўтадиган бўлди. Қўшни давлат делегацияси аъзолари гуруҳларга бўлиниб, туманларга учрашувга чиқди. Олтинқўлга келган “Ақмарал” рақс ансамбли туман корхона ва ташкилотларида суҳбатлар ўтказиб, тушга яқин иқтисодиёт коллежимизга келди. Муассаса ҳаёти ва яратилган шароит билан танишди. Сўнг талабалар ва ташкилотчилар томонидан бир кунда шошилинч тайёрланган концерт дастури намойиш этилди.

Концерт дастурини шошилинч тайёрлаш зарурати туфайли Наманган вилоятининг Янгиқўрғон, Косонсой, Чуст, Андижон вилоятининг Хўжабод, Жалақудуқ, Қўрғонтепа, Марҳамат каби чегара туманларининг қирғизлар кўпроқ яшайдиган ҳудуддан коллежга келиб ўқийётган ўқувчилар зудлик билан жалб қилинди. Маслаҳатлашиб, қирғиз халқининг тантаналар, тўй-ҳашамларида куйланадиган қўшиқлари, мушоира матнларидан намуналар топишда ёрдам сўралди. Чин юракдан қилинган саяё-ҳаракатлар туфайли қирғиз тилида тайёрланган бир ярим соатлик концерт дастури тўрт юз кишилик қатнашчининг олқишига сазовор бўлди. Айниқса, “Эй қариндас, қариндас” деб куйланадиган қўшиқни ҳамма ўрнидан туриб тинглаб, тасанно айтиб, ҳайқирдиқлар



билан қутиб олгани дилларга аланга солди. Қирқ кеш қилишдан иборат “Ақмарал” рақс ансамблининг коллежимиз “Дил таронаси” бадийи дастаси аъзолари билан дўстона суҳбати қизигн кечди. Сўнг бадийи даста аъзолари Қирғизистон санъаткорларининг вилоят театрида ўтказиладиган яқуний концертига таклиф қилинди.

Орадан ўн беш йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса ҳам бу самимий учрашувни ҳамон ҳавас билан ёдга олиб турамиз. Ахир бу қўшничилик қадрланишининг яққол далили эмасми? Мана шундай бағрикенглик халқларимизнинг ҳамжиҳат яшашга интиқлигидан далолат эканини ким ва қандай куч инкор эта олади?!

Шу сатрларни ёзаётган пайтимда Андижон телевидениеси вилоятининг Хўжабод туманидан тайёрланган дастурини ўзбек-қирғиз дўстлигининг ёрқин далили сифатида намойиш қилди. Маҳаллий қирғиз ҳаваскор санъаткорларидан иборат жамоанинг “Тўмарис”, “Биринчи муҳаббатим” ва халқ лапарларини ҳар икки тилда бирдай маҳорат билан куйлаганини кўриб, жуда хурсанд бўлдим.

Яна бир қувончли воқеа: шу йил июль ойи охирида Хонобод шаҳрида “Дунё садолари” деб номланган халқаро эстрада фестивалида жаҳоннинг ўнлаб давлатидан келган санъаткорлар, хонандалар шаҳар боғлари, хибонлари, концерт залларини тўлдириб, уч кун қўшиқ қўйлади, рақслар ижро этди. Ўзбек-қирғиз чегаралари очиклиги боис,



ТАШРИФ ҚОҒОЗИ



халқ муносабатлари янги босқичга кўтарилгани ва дўстлик ришталари барқарор замини яратилганининг яна бир далили бўлиб тарихга кирди. Андижоннинг маърифатпарвар зиёлилари буюк адибнинг тўйини ўзига хос ўтказгани алоҳида эътиборга молик.

Бағримиз турфа маданиятлар ва тамаддунларга ҳамisha очик бўлган, ҳар доим турли тилларда сўзлашиб келганмиз. Бағрикенглик — ижтимоий-иқтисодий юксалишнинг устувор тамойили. Ана шунини қадрлашга катта эътибор қаратилаётгани Ўзбекистонимиз истиқболи мустаҳкам пойдеворга эгаллигидан гувоҳлик беради.

Турли соҳалардаги тараққиёт, аҳолининг юрт осойишталиги ва фаровонлиги йўлида елкадош бўлиб меҳнат қилаётгани, илмфан, саноят, қурилиш, маданият, санъат ва спорт борасида эришяётган ютуқларимиз замирида халқимизнинг аҳил ва бағрикенглик хислатлари ҳам муносиб ўринга эга.

Беш турдаги визаларни очиш ҳамда ҳужжат тизимини соддалаштириш, хорижий давлатларда даволаниш, ўқиш, зиёрат ва қариндошларни йўқлаш учун бориб келишнинг осонлаштирилиши туризмнинг ҳар томонлама ривож топишига хизмат қилмоқда. Маънавий баркамоллик ва бағрикенглик хислатларининг раванқи, 2019-2025 йилларда Туризмни ривожлантириш концепцияси асосида туристлар сони сўнгги уч йилда 4,4 баробар кўпайиб, умумий сони 6,6 миллионга етгани соҳа жадал ривожланаётгани тасдиқидир.

Шунингдек, дастурхонимиз тўқинлиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг мўл-қўлиги, бир сўз билан айтганда, айнан тинчлик деб аталмиш буюк неъмат ва кўпмиллатли халқимиз тотувлигининг нишонаси, албатта.

Мамлакатимиз иқтисодий ривожланиши ва халқимиз турмуш тарзи юксалишининг энг муҳим негизи бўлган ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 2030 йилга бориб, икки қара ошириш, уни аҳоли жон бошига 4 минг АҚШ долларига етказиш устувор мақсад қилиб белгиланган. Бунга эришиш эса аҳоли ҳаёт даражасининг кескин кўтарилиши

Президентимиз жорий йил 15-16 февраль кунлари Андижонга ташрифи чоғида вилоятнинг демографик хусусиятларидан келиб чиқиб, саноят маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини янада кўпайтириш, маҳаллий хомашё ресурсларини қайта ишлаш, импорт ўрнини босувчи, экспорт бозорларида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнини йўлга қўйиш, қўлай инвестиция муҳитини яратиш, юқори технологияли ва замонавий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш борасида кўрсатмалар берди.

Буюк ипак йўлида жойлашган мамлакатлар, хусусан, Хитой билан савдо ва инвестициялар соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида “Ипак йўли” эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорга мувофиқ, Андижон туманидан ажратилган 218,2 гектар ерга инвестиция лойиҳалари ва инфрамузоилма объектларини жойлаштириш режалаштирилган. Ягона бюртюрмачи инжиниринг компанияси томонидан эркин иқтисодий зонанинг бош режаси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Қарорда 3 миллиард АҚШ доллари миқдоридида тўғридан тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилиши, 16 мингдан зиёд янги иш ўрни очилиши ҳамда йилига 20 триллион сўмликдан ортиқ саноят маҳсулотли ишлаб чиқарилиши белгиланган.

Ҳозир Андижонда 5 та миллий маданий марказ фаолият кўрсатыпти. Қирғиз миллиятига мансуб 102,5 минг юртдошимизнинг 3 мингта яқин фарзанди 25 та мактабда таҳсил олмоқда. 4 та олий таълим муассасасида турли миллиятга мансуб 22 минг 100 талаба ўқимоқда. Қирғизистон ва қўшни мамлакатлар фуқаролари Андижон вилоятидаги барча тиббиёт муассасаларида бемапол даволаяпти. Буларнинг бари умуминсоний бағрикенглик ва маърифат халқаро муносабатларга мустаҳкам пойдевор бўлаётганидан далолатдир.

Юқоридагилардан хулоса қилсак, бағрикенглик Ўзбекистоннинг таърих қоғози экани яққол намоён бўлади. Ана шу маънавий нуфузни авайлаш, қадрлаш ва янада кучайтириш олдимиздаги долзарб масалалардир.

Мамлакатимиздаги ислохотларнинг олий мақсади инсон, жамяит ва давлат тамойили негизида даставвал халқимиз эътижи ва манфаатларининг устун бўлишини таъминлашдан иборат. Энг муҳим вазифаларни муваффақиятли амалга оширишининг ҳал қилувчи шарти айнан шунда мужассам. Бу “Камбағалликдан фаровонлик сари” тамойилининг миллий дастур даражасига кўтарилиши ва ижросини таъминлашга барча куч ҳамда имкониятлар сафарбар қилиниши яқин келажақда камбағалликка барҳам берилишига ишончимиз қомил.

Аслида, бағрикенгликнинг маъно-маъмуни жамяитимизнинг икки асосий таянч нуқтасида намоён бўлади. Бири одоб, ахлоқ, садоқат, меҳр-оқибат инсоний бурч сифатида камол топадиган оиладир. Иккинчиси одамлар ўзаро ахил-тотув яшайдиган, эзгу ишларга ҳамма вақт кенг йўл очиладиган тизим — маҳалладир.

Инсон мана шу икки масканда тўғри тарбия топади ва ҳаётнинг қадрига етадиган бўлади. “Шахс — оила — маҳалла” учлиги мамлакатнинг барқарор ривожига, халқаро майдондаги нуфузи, обрў-эътибори, ўрни юксалишига мустаҳкам заминдир, бағрикенглик эса бу тамойилнинг чўнг илдизидир.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайдиган. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида сахифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Kolograk” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма — 3763. 41218 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“Kolograk” МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манлиги: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмахона телефони: (71) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Дилшод Улуғмуродов
Мусахҳх: Маллоҳат Минғобоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Ўза яқуни — 22:45 Топширилди — 00:01